

Умаров Баҳром,
Сурхондарё вилояти ХТҲҚТМОҲМ, "Тилларни
ўқитиш методикаси" кафедраси мудири

"МУКОЛИМА" МЕТОДИ - ЎҚУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ: ТАРИХИЙ ТАЖРИБА

УДК: 372.882

УМАРОВ Б. "МУКОЛИМА" МЕТОДИ – ЎҚУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ: ТАРИХИЙ ТАЖРИБА

Мақолада ўқувчиларда коммуникатив компетентлигини ривожлантиришдаги тарихий тажриба: муколима методининг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Умумтаълим фанларини ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш орқали уларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш борасида услубий тавсиялар тақдим этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: янгиланаётган педагогик фикр, коммуникатив компетентлик, муколима, ўқувчи компетентлиги, "келажак кўникмалар".

УМАРОВ Б. МЕТОД "ЗУБРЁЖКА" - ВАЖНЫЙ ИНСТРУМЕНТ ДЛЯ РАЗВИТИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧАЩИХСЯ: ИСТОРИЧЕСКИЙ ОПЫТ

В статье раскрывается содержание и сущность метода зубрёжки в развитии коммуникативной компетенции учащихся. Представлены методические рекомендации по использованию интерактивных методов обучения общеобразовательным предметам и формированию коммуникативной компетентности учащихся через организацию самостоятельной работы.

Ключевые слова и понятия: обновленное педагогическое мышление, коммуникативная компетенция, зубрёжка, «навыки будущего».

UMAROV B. MEMORIZATION METHODOLOGY AS AN IMPORTANT TOOL FOR THE FORMATION OF STUDENT'S COMMUNICATIVE COMPETENCY. HISTORICAL EXPERIENCE

The article reveals the content and essence of the cramming method in the development of the communicative competence of students. Methodical recommendations of interactive methods implementation in teaching general education subjects and the formation of communicative competence of students through the organization of independent work are presented.

Key words and concepts: updated pedagogical thinking, communicative competence, cramming, "skills of the future".

Кириш. Маълумки, янги аср малакаларини эгаллаш жараёни, фақатгина, ёшларнинг фаол мустақил фаолияти, шу жумладан, коммуникатив компетенциясини эгаллаши ва ўзларининг коммуникатив майдонини яратиш шарти билан муваффақиятга эришиш мумкин. Шу асосда таълим тараққиётини белгиловчи муҳим мезон сифатида ўқувчиларнинг ўқув ютуғи нафақат унинг эгаллаган шахсий ва ижтимоий компетентлиги, балки рақобатбардош "келажак кўнікмалари"ни ўзлаштириши билан белгиланмоғи зарур¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори билан тасдиқланган мактаб таълим мининг ДТС, ўқув режа ва ўқув дастурларида компетенцияйи таълимга асосланган ёндашувнинг мазмунига ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияси «асосий ваколатлар» блокида етакчи ҳисобланади². Бу эса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида коммуникатив компетентликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, юқори синф ўқувчиларида коммуникатив компетентликни ривожлантириш модели ва дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

Коммуникатив компетенция ижтимоий вазиятларда энг аввало она тилида ҳамда хорижий тилда ўзаро самарали мuloқotga кириша олиш, мuloқotda муомала маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, ҳамкорлиқда жамомада самарали ишлай олиш лаёқатини назарда тутади.

Инсон ўз олдига қўйган барча вазифаларни тил ёрдамида мuloқot қилиш орқали ҳал қиласи, ёқимли мuloқot қила билиш эса, рақобат ва бозор муносабатларида муваффақиятли ҳаёт кечиришнинг асоси ҳисобланади.

Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив вазиятлари, учрайдиган муаммоли вазиятларнинг намоён бўлиши, улардаги мuloқotни амалга оширишда адекват мuloқot кўнікмалари шаклланганлик даражасининг пастлиги, мuloқotga киришишдаги тўсиқларни енгиг ўтиш усуларини мав-

жууд эмаслиги ёки камлиги ўқувчилар ўртасидаги шахслараро муносабат ва таълим олиш самардорлигига салбий таъсир этиши табиий.

Умумтаълим тизимида катта ёшдаги мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетентлик масаласи таълим-тарбиянинг муҳим таркибий асосларидан бири сифатида таҳлил этилганинг қарамасдан, инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенциялар тизимини шакллантириш технологияси ва дидактик таъминотини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бу соҳа муаммоси бўйича инновацион ёндашув масалаларига хорижий ва республикамизда амалга оширилган тадқиқотлар билан танишиш мазкур педагогик ҳодисанинг ягона талқини мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Мавзунинг долзарблиги мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш борасида маҳаллий инновацион жараёнларнинг аксиологик (қадрият) ривожланмаганлиги ва коммуникатив компетенция мазмунига мос келадиган ташхис мезонига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Мамлакатимизнинг етакчи олимларидан Н.Н.Азизхўжаева, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Жўраев, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, О.М.Мусурманова, Э.А.Сейтхалилов, Н.М.Эгамбердиева, Ф.Р.Юзликаев, З.Э.Азимоваларнинг илмий изланишларида ўқувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик, интеграл-педагогик жиҳатлари, узлуксиз таълим тизимига компетенцияйи ёндашувни жорий этишнинг концептуал ва методологик асослари М.Вахобов, О.Мусурмонова, М.Мирсолиева, М.Пардаева, Ш.Ураков, Б.Ходжаев, М.Пардаевалар, ўқувчиларда ижодий фаоллик ва креативликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари Б.Адизов, К.Иноқов, Д.Якубжанова кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Ю.Н.Емельянов, В.А.Кан-Калик, С.Л.Братченко, А.Н.Ивашов, В.Н.Гришина, У.Томас, А.А.Бодалёв, А.И.Донцов, Ю.М.Жуковларнинг тадқиқотларида шахслараро ҳамкорлиқдаги фаолиятни ташкил этиш тамойиллари, шахслараро мuloқotнинг ижтимоий-психологик масалалари ёритиб берилган.

¹ Umarov B. Some judgements on the issues of the formation of « future skills»in students. Scientific research results in pandemic conditions. Proceedings of International Multidisciplinary Conference. June, 2020.

² <https://lex.uz/docs/3153714>

Хорижий давлатлар олимлари Ж.Бивин, Ж.А.Грэхем, Ж.Равен, Д.Шонларнинг илмий изланишларида ўқувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий, педагогик-психологик ва лингвистик жиҳатлари очиб берилган.

Умумтаълим тизимида катта ёшдаги мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетентлилик масаласи таълим-тарбиянинг муҳим таркибий асосларидан бири сифатида таҳлил этилганигига қарамасдан, инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенциялар тизимини шакллантириш технологияси ва дидактик таъминотини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бу соҳа муаммоси бўйича инновацион ёндашув масалалига хорижий ва республикамиизда амалга оширилган тадқиқотлар билан танишиш мазкур педагогик ҳодисанинг ягона талқини мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Умумтаълим мактаб ўқувчиларини коммуникатив компетентлигини шакллантиришда аждодларнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда коммуникатив вазиятларда барқарор муносабат, самарали муроқот стратегияларини танлашда инновацион ёндашувнинг қайта алоқага киришиш даражасини ҳисобга олиш борасида тадқиқотлар олиб бориш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқотнинг обьекти. Умумтаълим мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, оила.

Асосий қисм.

Ўтмишнинг бугун ва келажак билан боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириши, янги авлод тарбияси, улар дунёқарашининг тўғри шаклланиши ҳақида фикр юритилганда мана шу уйғунлик кўзда тутилади. Тарих унутиб бўлмайдиган ноёб хотира, аждодларнинг ибратли ишларини эслаш, тарихий тажрибалардан тўғри хуроса чиқариб яшаш, ўтмишни келажак билан боғлаш деганидир.

Маълумки, янгиланаётган педагогик фикрлар таълим жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг анъянавий усулидан технологик, ижодий ва изланивчан усуулга ўтиш имконини берди.

Янгиликларни таҳлил қилишдаги бошланғич нуқта сифатида Роберт Парк "билимлар шакли", яъни ўтмиш ҳодисаларининг рўйхати ва уларни муайян кетма-кетлиқда тизилишидан иборат тарих

билан уларнинг солиширилишини танлайди¹. Қуйида унинг асосий хуласаларидан айримлари келтирилган:

- янгиликлар энг сўнгги ёки тақорланувчи воқеаларни акс эттиради;
- янгиликлар тартибли эмас: улар дискрет ҳодиса ва воқеалар билан боғлиқ; янгиликлар орқали ўзлаштириладиган олам, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳодисалардан юзага келади, уларни изоҳлаш янгиликларнинг асосий вазифаси эмас;
- янгиликлар абадий эмас: улар воқеа ўз долзарблигини йўқотмагунча мавжуд, кейин эса қайд этиш, фойдаланиш учун уларнинг ўрнини бошқа турлари эгаллади.
- янгиликлар, асосан, билимларнинг ўрнини босувчи эмас, балки диққат-эътиборнинг йўллантирувчилари ва кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади.

Кейинчалик ушбу қараш қисқароқ таърифда ўз ифодасини топди: «янгилик, бу – аслини олганда, "эскилиқдир"².

Ушбу ифода эътибори билан бугунги кунда қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциялари асосий восита сифатида белгиланмоқда.

Ўрта бўғин таълим иштирокчиларининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш метод ва воситаларини танлашда бой тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган ўтмиш таълим-тарбия тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тарихий манбалар таҳлили шундан далолат берадики, ўтмишдаги масжид ҳузуридаги мактаб ва мадрасаларда, толиби-илмларнинг муроқот лаёқатларини шакллантиришга фавқулодда жиддий муносабатда бўлганлар.

Ахлоқ шаклида юзага келган нутқий лаёқат сабоқларида маҳоратли воиз ва воизлик санъатининг улкан билимдони Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномайи Султоний», «Ахлоқи Муҳсиний»

¹ Абдурахмонова Ҳ. Оммавий ахборот воситалар контенти (янгиликлар таҳлили). <https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2019/04/Hilola-Abdurahmonova.pdf>

² Абдурахмонова Ҳ. Оммавий ахборот воситалар контенти (янгиликлар таҳлили). <https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2019/04/Hilola-Abdurahmonova.pdf>

асарларлари ўз давридаёк, мадрасаларда дарсларлик сифатида қўлланилган¹.

Таниқли олим Ф. Бобоҷонова. "Буҳоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири ва XX аср бошларида)" илмий-тадқиқот ишида таъкидлаганидек, Буҳоро мадрасаларида таҳсил олган талабалар кўпинча кунжаки домладан нутқ сабоғини олишган². Кунжаки домланинг асосий вазифаси мадрасада белгиланган муайян курс ёки китобни ўрганишда қўшимча шуғуллантиришдан иборат эди.

Википедия маълумотлар базасида мадрасалардаги таълим-тарбия жараёни ҳақида қўйидагича маълумот берилган: "Машғулотлар эрталаб соат тўртдан соат ўнгача давом этган, соат ўн иккidan намоз ўқилган, тушлик, кейин муқолима ва мунозалар ўтказилган. Соат ўн олтидан танаффус, кечки овқат ва яна муқолима тунгача бўлган. Ҳар бир аудиторияда ўз ўқувчилари (жамоа) ва ўз гурӯх раҳбарлари (қори-жамоаси) бўлган"³.

Юқоридаги иқтиbos ўтмиш таълим-тарбиясида ўқувчи-ёшларнинг нутқий лаёқати, яъни коммуникатив компетентлигини шакллантиришда муқолима (бирга такрор қилиш) методидан фаол фойдаланилган.

Ўрганишларимизда аниқландик, бу метод – бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчitalabani мустақил фикрлашга ўргатишга қаратилган. Натижада ўқув материали мустақил ўрганиланади. Ўтмишда бу методга икки киши орасидаги хулқ, нутқ ва муносабатни тартибга солиш инструменти сифатида ёндашилган.

Замонавий мактабларимизда "муқолима" методи орқали ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришда дарснинг анъанавий ёндашувларини сақлаб қолган ҳолда уни таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим

¹ Маҳмұлов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. - Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти (2-нашри). Тошкент. 2009 йил. 13-бет.

² Бобоҷонова Ф. Буҳоро амирлигида таълим тизими. (XIX аср охири XX аср бошлари). Тарих фан.ном.дисс... автореф. Т.: 2011. -Б.18.

³ https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9C%D0%B5%D0%BA%D1%80%D0%B5%D1%81%D0%B5_%D0%A1%D1%80%D0%B5%D0%B4%D0%BD%D0%B5%D0%B9_%D0%90%D0%87%D0%88%D0%8B (ўзбек тилига таржима музалиф томонидан бажарилган)

оловчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади.

"Муқолима" методи – ҳар бир ўқувчи мустақил равиша уйда ёки дарс жараёнида шароитга қараб 3-5 тадан савол тузади ва тузган саволларини бошқа ўқувчи билан алмашади. Бир ўқувчи тузган саволларга бошқа ўқувчи ўз жавобини ёзди ва саволлар карточкиаси ўз эгасига қайтарилади. Ўқувчилар бир-бирини жавобларини текшириб қўришгач тўғри жавобларни ёзишади. Натижалар эълон қилинади ва ўқувчилар ўз хатоларини англаб олишади. Юқори натижада қўрсатган ўқувчилар баҳоланади. "Муқолима" методининг ёзма ва оғзаки шаклларидан фойдаланиш мумкин. Оғзаки шаклида ўқувчи томонидан тузилган саволга таълим оловчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим оловчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлаш, очик мулоқот олиб боришга ўргатади.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўқув материалыни кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Таълим методининг тавсифи: Ушбу метод ёрдамида ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, дарсда вақтдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларни дарсга қизиқишини ошириш ва рағбатлантириш, деярли барча фанлар ва дарсларда қўллаш мумкинлиги, таълим сифатининг оширилишига эришиш ва ўқитувчи ишининг сезиларли даражада енгиллашишига ёрдам беради. Бундан ташқари, "Муқолима" методидан фойдаланилганда таълим оловчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим оловчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим оловчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равиша баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўнинкаси ривожланади.

Дарснинг қайси қисмида қўллаш мумкинлиги: дарснинг такрорлаш, янги мавзуни ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2021, 2 (99)

1-жадвал. "Муколима" методининг тузилмаси

№	Савол	Жавоб	Тўғри жавоб	Балл
1				
2				
3				
4				
5				

мустаҳкамлаш ва уйга вазифа бериш қисмларида қўллаш мумкин.

"Муколима" методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни тақрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

"Муколима" методини қўллашдаги асосий қоидалар:

Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинади ва баҳоланади.

Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

"Билдирилган фикрлар баҳоланиши таълим олувчиларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бу метод таълим олувчиларда мулоқот лаёқати ва ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

Қўйида (1-жадвал) "Муколима" методининг тузилмаси келтирилган.

"Муколима" методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

- таълим олувчилар мустақил тарзда савол тузишади ва улар саволлар ёзилган карточкаларни алмаштириб ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) ёзишлари (билдиришлари) сўралади;

- таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ёзишади (билдиришади);

- таълим олувчиларнинг жавоблари ёки фикр-ғоялари ўқувчиларнинг (савол тузган ўқувчининг) ўzlари текшириб баҳолашади;

- тўғри жавоблар карточкаларга ёзилади хато ва камчиликлар аниқланади;

- "муколима" методи таълим жараёнини такомиллаштиришга, ўқувчиларининг коммуникатив лаёқатини шакллантиришда бевосита ва билвосита шакллантиришга ёрдам беради;

- ўқувчилар ўртасида эркин фикр алмашиш, муносабат билдириш, бир-биридан ўрганиш ва ўргатишга имкон берадиган дўстона, ижодий муҳитни яратади;

- мазкур инструментдан фойдаланиш ижтимоий фаол фуқарони, ҳаётда дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилишда вазиятларни кўпроқ муҳокама қилиш, бошқаларга тушунтириб бера олишда кутилган самарани беради;

- ўқувчиларда ўзгариш истаги пайдо бўлади, назария ва амалиётнинг мутаносиблиги, гурӯҳ билан эмоционал алоқа таъминланади.

Хулоса ва амалий тақлифлар.

1. Умумий ўрта таълим иштирокчиларининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш метод ва воситаларини танлашда бой тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган ўтмиш таълим-тарбия тажрибаларига замонавий ёндашиш мақсадга мувофиқdir.

2. Ҳамкорликка асосланган "муколима" методи ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга мўлжалланган бўлиб, уларга бошқаларнинг фикрини эшлиш, тушуниш, ҳурмат қилиш, ўзгалар манфаатлари билан ҳисоблашиш, улардан ўрганиш, уларга ўргатиш, таъсир қила олиш, ўзини ва бошқаларнинг «мен»лигини сезиш, ҳис килиш, ўзини бошқариш, фикрини лўнда ва аниқ баён қила олишга ўргатишга қаратилган таълим усулидир.

3. Ўрта таълим бўғин иштирокчиларининг коммуникатив компетентлигини шакллантиришда ўтмиш таълим-тарбиясида ўқувчи ёшларнинг нутқий лаёқатини шакллантиришда қўлланилган тажрибалардан самарали фойдаланиш ўқувчиларни дарсга қизиқишини ошириш ва рағбатлантириш, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, самарали мулоқот лаёқатларини шакллантиради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонова Ҳ. Оммавий аҳборот воситалар контенти (Янгиликлар таҳлили). - <https://journal.fledu.uz/uz/ommavijj-ahborot-vositalar-kontenti/>
2. Бобоҷонова Ф. Буҳоро амирлигига таълим тизими. (XIX аср охири XX аср бошлари). Тарих фан.ном.дисс...автореф. - Т.: 2011. -Б.18.
3. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқ маданияти асослари. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1991.
4. Введенская Л.А., Павлова Л.Г., Чихачев В.П. Культура и техника речи. - Ростов н/Д.: Издательство Ростовского университета, 2004.
5. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. 2-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 13-бет.
6. Umarov B. Some judgements on the issues of the formation of « future skills»in students. Scientific research results in pandemic conditions. Proceedings of International Multidisciplinary Conference. June, 2020.
7. Формановская Н.И. Культура общения и речевой этикет. - М.: Издательство ИКАР, 2005.